



# PEDAGOGIK AKMEOLOGIYA

xalqaro ilmiy-metodik jurnal

MS  
2022





ISSN 2181-3787  
E-ISSN 2181-3795

**“PEDAGOGIK AKMEOLOGIYA”**  
**xalqaro ilmiy-metodik jurnal**

**«ПЕДАГОГИЧЕСКАЯ АКМЕОЛОГИЯ»**  
**международный научно-методический журнал**

**“PEDAGOGICAL ACMEOLOGY”**  
**international scientific-methodical journal**

**maxsus son**  
**2022**

### Jurnal haqida

"Pedagogik akmeologiya" xalqaro ilmiy-metodik jurnali

"Pedagogik akmeologiya" xalqaro ilmiy-metodik jurnaliga taqdim etilgan ilmiy maqolalarga qo‘yiladigan asosiy talablar falsafa doktori (PhD), fan doktori (DSc) dissertatsiyalarining asosiy ilmiy natijalarini xalqaro standartlar va O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzurida Oliy attestatsiya komissiyasi to‘g’risidagi Nizom” talablari, shu jumladan elektron ilmiy-texnik jurnallarga qo‘yiladigan talablar tizimi hisoblanadi.

*«Педагогическая акмеология» международный научно-методический журнал*

Основные требования к научным статьям, представляемым в международном научно-методическом журнале «Педагогическая акмеология» являются научные труды, рекомендованные для публикации основных научных результатов докторских (PhD), (DSc) диссертаций в соответствии с международными стандартами и «Положением о Высшей аттестационной комиссии» при Кабинете Министров Республики Узбекистан, в частности требования к электронным научно-техническим журналам.

### About the magazine

*"Pedagogical akmeology" international scientific-metodical journal*

The main requirements for scientific articles submitted to the international scientific-metodical journal "Pedagogical akmeology" are scientific publications recommended for the publication of the main scientific results of doctoral (PhD), (DSc) dissertations in accordance with international standards and the "Regulation on the Higher Attestation Commission" Under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan, including from templates in the system of requirements for electronic scientific and technical journals.

**Muassislar:** "Sadriddin Salim Buxoriy" MCHJ "Durdona" nashriyoti,  
Buxoro davlat pedagogika instituti

**Tahririyat manzili:** O'zbekiston Respublikasi, Buxoro shahri Muhammad Iqbol ko'chasi,  
11-uy

**Web-sayt:** [www.paresearchjournal.uz](http://www.paresearchjournal.uz)

**Bosh muharrir:**

Daminov Mirzohid Islomovich, pedagogika fanlari nomzodi, dotsent

**Bosh muharrir o'rinnbosari:**

Hamroyev Alijon Ro'ziqulovich, pedagogika fanlari doktori (DSc), professor

**Mas'ul kotib:**

Bafayev Muhiddin Muhammadovich, psixologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD),  
dotsent

## TAHRIR HAY'ATI:

*Muqimov Komil Muqimovich, O'zR FA akademigi, fizika-matematika fanlari doktori,  
professor*

*Xamidov Obidjon Xafizovich, iqtisodiyot fanlari doktori, professor*

*Adizov Baxtiyor Rahmonovich, pedagogika fanlari doktori, professor*

*Ibragimov Xolboy Ibragimovich, pedagogika fanlari doktori, professor*

*Abdullahayeva Barno Sayfiddinovna, pedagogika fanlari doktori, professor*

*Yanakiyeva Yelka Kirilova, pedagogika fanlari doktori, professor (N. Rilski nomidagi  
Janubiy-G'arbiy Universitet, Bolgariya)*

*Madzigon Vasiliy Nikolayevich, akademik, pedagogika fanlari doktori, professor (Ukraina  
pedagogika fanlari milliy akademiyasi, Kiyev)*

*Maksimenko Sergey Dmitriyevich, psixologiya fanlari doktori, professor (Ukraina  
pedagogika fanlari milliy akademiyasi, Kiyev)*

*Chudakova Vera Petrovna, psixologiya fanlari nomzodi (Ukraina pedagogika fanlari  
milliy akademiyasi, Ukraina)*

*Kozubsov Igor Nikolayevich, pedagogika fanlari doktori, dotsent (Kiyev, Ukraina)*

*Mustafa Said Arslon, filologiya fanlari doktori, professor (Turkiya)*

*Tadjixodjayev Zokirxo'ja Abdusattorovich, texnika fanlari doktori, professor*

*To'xsanov Qahramon Rahimbo耶evich, filologiya fanlari doktori, dotsent*

*Muhittinova Xadicha Sobirovna, pedagogika fanlari doktori, professor*

*Niyozmetova Roza Hasanovna, pedagogika fanlari doktori, professor*

*O'rayeva Darmonoy Saidaxmedovna, filologiya fanlari doktori, professor*

*Rasulov To'lqin Husenovich, fizika-matematika fanlari doktori, professor*

*Hayitov Shodmon Axmadovich, tarix fanlari doktori, professor*

*To'rayev Halim Hojiyevich, tarix fanlari doktori, professor*

*Mahmudov Nosir Mahmudovich, iqtisodiyot fanlari doktori, professor*

*Bo'taboyev Muhammadjon To'ychiyevich, iqtisodiyot fanlari doktori, professor*

*Ibragimova Gulsanam Nematovna, pedagogika fanlari doktori, dotsent*

*Kadirov Xayot Sharipovich, pedagogika fanlari doktori, dotsent*

*Jalilova Saboxat Xalilovna, psixologiya fanlari nomzodi, dotsent*

*Atabayeva Nargis Batirovsna, psixologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)*

*Muxtorov Erkin Mustafoyevich, psixologiya fanlari nomzodi, dotsent*

*Jumaniyozova Muhabbat Husenovna, filologiya fanlari nomzodi, dotsent*

*Farmonova Shabon Muhamadovna, pedagogika fanlari bo'yicha falsafa doktori(PhD)*

*Qo'ldoshev Rustambek Avezmurodovich, pedagogika fanlari bo'yicha falsafa  
doktori(PhD), dotsent*

**MUNDARIJA**

Boboyeva Muyassar Norboyevna. Matematika fanini o'qitish jarayonida innovatsion texnologiyalardan foydalanish .....	6
Rasulov To'lqin Husenovich, Mamurov Boboxon Jo'rayevich. Matematika: oliv ta'lif va maktablar hamkorligining zamonaviy yo'nalishlari.....	13
Tabassum Saleem, Rasulov To'lqin Husenovich, Umarova Umida Umarovna. About the organization of distance education in universities of Uzbekistan and Pakistan .....	20
Dilmurodov Elyor Baxtiyorovich, Yaxyoyeva Sharofat Mirmuxsin qizi. Matematik masalalar va tenglamalar mavzusini o'qitish xususiyatlari .....	28
Latipov Hakimboy Mirzo o'g'li. Matematika darslarida interfaol metodlardan foydalanib kompleks sondan kvadrat ildiz chiqarish mavzusini o'qitish.....	34
Rashidov Anvarjon Sharipovich. Ko'pyoqlar va ularning sodda kesimlarini yasash mavzusini interfaol metodlar yordamida o'qitish .....	39
Jo'raqulova Farangis Murot qizi. Ikki to'g'ri chiziq va kesuvchi hosil qilgan burchaklar mavzusini o'qitishda interfaol metodlar.....	45
Sharipova Mubina Shodmonovna. Sodda irratsional tengsizliklarni yechish usullari .....	50
Ismoilova Dildora Erkinovna, Sharipova Mubina Shodmonovna. Algebraik kasrlarni ko'paytirish va bo'lish mavzusini o'qitishning o'ziga xos xususiyatlari .....	56
Rashidov Anvarjon Sharipovich, Latipov Hakimboy Mirzo o'g'li. Silindrning hajmi mavzusini o'qitishda interfaol metodlar .....	62
Бобоева Муяссар Норбоевна, Марданова Феруза Ядгаровна. "Чизиқли тенгламалар системаси" мавзусини ўқитища муаммоли таълим технологияси ва "зинама-зина" методини қўллаш .....	67
Xayitova Xilola G'afurovna, Sayliyeva Gulrux Rustam qizi. Funksianing o'sishi va kamayishi mavzusini o'qitishda interfaol metodlar .....	75
Xayitova Xilola G'afurovna. Tanlash usuli bilan kombinatorika masalalarni yechish metodikasi .....	81
Умарова Умидা Умаровна. Масофавий таълимда айrim elektron didaktik taъminot vositalari .....	86
Sayliyeva Gulrux Rustam qizi. Fazoda Dekart koordinatalar sistemasi mavzusini o'qitishda interfaol usullar .....	92
Ахмедов Олимжон Самадович. Эффективные аспекты применения информационных и коммуникационных технологий при обучении математики .....	98
Ismoilova Dildora Erkinovna, Bir noma'lumli tengsizliklar va uni o'qitish metodikasi .....	108
Сафар Ходжиев, Наргиза Жўраева. Некоторые указания и решением текстовые задачи связанные с работой .....	114
Xodjiyev Safar, Jo'rayeva Nargiza Oltinboyevna. Parametrli kvadrat tenglamalar va ularni yechish usullari .....	123
Raupova Mokhinur Haydar kizi. Benefits of computerized learning systems in mathematics .....	133
Dilmurodov Elyor Baxtiyorovich, Qurbonov G'ulomjon G'afurovich. Natural sonlarni qo'shish mavzusini o'qitishning afzalliklai .....	138
Dilmurodov Elyor Baxtiyorovich. Uchburchak tengsizligi mavzusini interfaol usullar yordamida o'qitish metodikasi .....	145
Do'stova Shahlo Baxtiyorovna. O'nli kasrlarni qo'shish va ayirish mavzusini interfaol usullar va aktdan foydalanib o'tish .....	151
Avezov Alijon Xayrulloevich, Nuriddinova Nigina Zamon qizi. Chizg'ich va sirkul yordamida geometrik masalalarni yechishni o'rganish bo'yicha metodik tavsiyalar .....	161

**Бобоева Муяссар Норбоевна,**

Бухоро давлат университети

Математик анализ кафедраси катта ўқитувчиши

<https://orcid.org/0000-0001-8895-1254>

**Марданова Феруза Ядгаровна,**

Бухоро давлат университети

Математик анализ кафедраси ўқитувчиши

<https://orcid.org/0000-0001-5405-1012>

---

## **“ЧИЗИҚЛИ ТЕНГЛАМАЛАР СИСТЕМАСИ” МАВЗУСИНИ ЎҚИТИШДА МУАММОЛИ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ ВА “ЗИНАМА-ЗИНА” МЕТОДИНИ ҚЎЛЛАШ**

---

**Аннотация:** Уибу мақолада дастлаб чизиқли тенгламалар системаси мавзусини ўқитишида муаммоли таълим технологиясидан фойдаланиши механизмини келтирилган. Муаммоли таълимнинг асосий босқичлари ва муаммоли вазият ҳосил қилишда ҳисобга олинни керак бўлган йўналишлар ҳақида фикр юритилган. Унинг асосий хусусиятлари санаб ўтилган. Муаммога йўналтирилган ташкил этиши босқичлари чизиқли тенгламалар системаси мавзусини ўқитишида ўқув технологияси келтирилган. Муаммони идрок этиши, тўғри қабул қилиши кўникмаларини ривожлантириши имкониятлари ўрганилган, ечимлар ва ечимнинг тўғрилигини текширилган. Кейинги ўринда «Зинама-зина» методини қўллаш технологияси баён қилинган.

**Калим сўзлар:** муаммоли таълим, педагогик технология, чизиқли тенгламалар системаси, «Зинама-зина» методи.

### **ПРИМЕНЕНИЕ ПРОБЛЕМНОЙ ОБРАЗОВАТЕЛЬНОЙ ТЕХНОЛОГИИ И МЕТОДА «ЛЕСТНИЦЫ» В ПРЕПОДАВАНИИ ТЕМЫ «СИСТЕМЫ ЛИНЕЙНЫХ УРАВНЕНИЙ»**

**Бобоева Муяссар Норбоевна,**

Старший преподаватель кафедры Математического анализа

Бухарского государственного университета

<https://orcid.org/0000-0001-8895-1254>

**Марданова Феруза Ядгаровна,**

Преподаватель кафедры Математического анализа

Бухарского государственного университета

<https://orcid.org/0000-0001-5405-1012>

**Аннотация.** В данной статье представлен механизм использования технологии проблемного обучения при обучении предмету системы линейных уравнений. Обсуждаются основные этапы проблемного обучения и направления, которые следует учитывать при создании проблемной ситуации. Перечислены его основные черты. Представлены этапы проблемной организации как образовательной технологии в обучении темы систем линейных уравнений. Изучены возможности развития навыков восприятия проблемы и правильного принятия, решения и проверить правильность решения. Далее описывается технология использования метода «Лестница».

**Ключевые слова:** проблемное обучение, педагогическая технология, система линейных уравнений, метод «Лестница».

### **APPLICATION OF PROBLEMED EDUCATIONAL TECHNOLOGY AND THE «STAIRCASE» METHOD IN TEACHING THE SUBJECT «SYSTEM OF LINEAR EQUATIONS»**

**Boboyeva Muyassar Norboyevna,**

Senior teacher of the Department of Mathematical Analysis of  
Bukhara State University

**Mardanova Feruza Yadgarovna,**  
**Teacher of the Department of Mathematical Analysis of**  
**Bukhara State University**  
**<https://orcid.org/0000-0001-5405-1012>**

**Annotation.** This article first presents the mechanism of using problem-based learning technology in teaching the subject of the system of linear equations. The main stages of problem-based education and the directions that should be taken into account when creating a problem situation are discussed. Its main features are listed. The steps of problem-oriented organization are presented as an educational technology in teaching the subject of systems of linear equations. Possibilities of developing the skills of problem perception and correct acceptance have been studied, solutions and checked the correctness of the solution. Next, the technology of using the «Staircase» method is described.

**Key words:** problem-based education, pedagogical technology, system of linear equations, «Staircase» method.

## КИРИШ

Маълумки, математикадан ўқув машғулотларини илғор педагогик технология [3-6], хусусан муаммоли таълим асосида ташкил этиш талабаларга билимларининг яхлит ўзлаштирилишига ёрдам беради. Муаммоли таълим жараёнини қуидаги учта асосий босқичга ажратиш мумкин:

1. Муаммоли вазият ҳосил қилиш.
2. Муаммони эчиш тахминларини шакллантириш.
3. Ечимнинг тўғрилигини текшириш (олинган ечим билан боғлиқ ахборотни тизимлаштириш орқали).

Муаммоли вазият ҳосил қилишда қуидагилар ҳисобга олиниши лозим: муаммолар назарий ёки амалий йўналишда бўлади. Дарсда ҳосил қилинадиган муаммоли вазият ҳамда талабаларга ҳал этиш таклиф этиладиган муаммога қўйиладиган энг асосий талаб–талабаларнинг қизиқишини оширадиган, энг камида эса талабаларда қизиқиш ҳосил қиласиган бўлиши кераклигиdir. Акс ҳолда кўзда тутилган натижага эришишнинг имкони бўлмайди. Муаммо талабаларнинг билим даражаларига ҳамда интеллектуал имкониятларига мос бўлиши шарт, ҳосил бўлган муаммоли вазиятни ечиш учун топшириқлар янги билимларни ўзлаштиришга ёки муаммони аниқлаб, яққол ифодалаб беришга ёки амалий топшириқни бажаришга йўналтирилган бўлади. Талабаларнинг муаммоли вазиятни тушунишлари, унинг келиб чиқиши сабаблари ҳамда нималарга, қанчалик даражада боғлиқлигини идрок қила олишлари натижасида ҳосил бўлади. Бундай тушуна олиш эса талабаларга мустақил равишда муаммони ифодалай олиш имкониятини беради. Муаммони ечиш тахминларини шакллантиришда талаба ўзлаштирган билимлари асосида кузатиш, солиштириш, таҳлил, умумлаштириш, хулоса чиқариш каби ақлий фаолиятларни бажаради [1-2].

## АСОСИЙ ҚИСМ

Чизиқли тенгламалар системаси мавзусини ўқитишида муаммоли таълим технологиясини ташкил қилиш босқичлари қуидагича бўлади.

1-босқич:

$$\left\{ \begin{array}{l} a_{11}x_1 + a_{12}x_2 + a_{13}x_3 + \cdots + a_{1n}x_n = b_1 \\ a_{21}x_1 + a_{22}x_2 + a_{23}x_3 + \cdots + a_{2n}x_n = b_2 \\ \dots \\ a_{k1}x_1 + a_{k2}x_2 + a_{k3}x_3 + \cdots + a_{kn}x_n = b_k \\ \dots \\ a_{m1}x_1 + a_{m2}x_2 + a_{m3}x_3 + \cdots + a_{mn}x_n = b_m \end{array} \right. \quad (1)$$

(1) системани  $m \neq n$  ҳолда ечиш масаласини қўяйлик.

2-босқич: талабалар бу муаммони ҳал қилишда, уни ечиш тахминларини шакллантиришади: бунда доимо  $m \leq n$ , яъни тенгламалар сони номаълумлар сонидан катта эмас деб ҳисоблашимиз мумкин. Агар  $m > n$  бўлса, у ҳолда номаълумларни йўқотиш усулидан қуйидагича фойдаланиб,  $m \leq n$  ҳолга келамиз. 1-қадамда системанинг иккинчи ва ундан кейинги барча тенгламаларидан  $x_1$  номаълумни йўқотиб, уларда фақат  $x_2, x_3, \dots, x_n$  номаълумлар қатнашишига эришамиз. 2-қадамда системанинг учинчи ва ундан кейинги барча тенгламаларидан  $x_2$  номаълумни йўқотиб, уларда фақат  $x_3, x_4, \dots, x_n$  номаълумлар қатнашишига эришамиз. Бу жараённи давом эттириб,  $(n-1)$ -қадамда  $n$ -тенглама ва ундан кейинги тенгламаларда фақат битта  $x_n$  номаълум қолишига эришамиз. Навбатдаги қадамда  $n$ -тенгламадан фойдаланиб,  $(n+1)$ -тенглама ва ундан кейинги барча тенгламалардан охирги  $x_n$  номаълумни йўқотамиз. Натижада бу тенгламалар ўрнида  $0 = b_k$  ( $k = n+1, \dots, m$ ) кўринишидаги ифодалар пайдо бўлади. Агар (1) система биргаликда, яъни ечимга эга бўлса, унда ҳамма  $b_k$  сонлар ноллардан иборат бўлади ва аксинча. Агар  $b_k$  сонлардан камида биттаси нолдан фарқли бўлса, унда (1) система биргаликда эмас, яъни ечимга эга бўлмайди. Иккала ҳолда ҳам системада қолган тенгламалар сони  $n$  га teng ёки ундан кичик бўлади, чунки қолган тенгламалар орасида ҳам  $0 = b_k$  кўринишидаги ифодалар бўлиши мумкин. Шундай қилиб (1) системада  $m \leq n$  бўлсин. (1) тенгламалар системасининг коэффициентларидан тузилган  $m \times n$  тартибли матрица ва унга озод ҳадлар устунини бирлаштиришдан ҳосил бўлган  $m \times (n+1)$  тартибли матрица ранги  $r$  бўлсин. Бунда  $r \leq m$  бўлади. Агар  $r = m = n$  бўлса, унда системанинг асосий детерминанти  $\Delta \neq 0$  бўлади, яъни олдин кўриб ўтилган ҳолга келамиз ва система ечимини матрицалар, Крамер ёки Гаусс усулларидан бирининг ёрдамида топамиз. Энди (1) система матрицасининг ранги  $r < n$  бўлган ҳолни кўрамиз. Бунга олдин қаралмаган  $m = n$ , аммо  $\Delta = 0$  бўлган ҳол ҳам киради. Бу ҳолда матрицанинг бирор  $r$ -тартибли  $M$  базис минорини қараймиз. (1) системанинг коэффициентлари шу базис минорга кирган  $r$  та тенгламаларини қолдириб, қолган  $m-r$  та тенгламасини ўчириб ташлаймиз. Бунга сабаб шуки, бу  $m-r$  та тенгламани қолдирилган  $r$  та тенгламалардан ҳосил қилиш мумкин, яъни улар номаълумлар тўғрисида янги маълумот бермайди. Бу ҳолда (1) системага эквивалент бўлган ушбу системага келамиз:

$$\left\{ \begin{array}{l} a_{11}x_1 + a_{12}x_2 + \cdots + a_{1r}x_r + a_{1r+1}x_{r+1} + \cdots + a_{1n}x_n = b_1 \\ a_{21}x_1 + a_{22}x_2 + \cdots + a_{2r}x_r + a_{2r+1}x_{r+1} + \cdots + a_{2n}x_n = b_2 \\ \dots \\ a_{k1}x_1 + a_{k2}x_2 + \cdots + a_{kr}x_r + a_{kr+1}x_{r+1} + \cdots + a_{kn}x_n = b_k \\ \dots \\ a_{r1}x_1 + a_{r2}x_2 + \cdots + a_{rr}x_r + a_{rr+1}x_{r+1} + \cdots + a_{rn}x_n = b_r \end{array} \right.$$

Бу системанинг тенгламаларидаги коефициентлари базис минорга кирган номаълумли (уларни  $x_1, x_2, \dots, x_r$  деб олишимиз мумкин) қўшилувчиларни ўз жойида қолдириб, бошқа  $x_{r+1}, x_{r+2}, \dots, x_n$  номаълумли қўшилувчиларни тенгламаларни ўнг томонига ўтказиб, қўйидаги системага келамиз:

$$\left\{ \begin{array}{l} a_{11}x_1 + a_{12}x_2 + \cdots + a_{1r}x_r = b_1 - (a_{1r+1}x_{r+1} + \cdots + a_{1n}x_n) \\ a_{21}x_1 + a_{22}x_2 + \cdots + a_{2r}x_r = b_2 - (a_{2r+1}x_{r+1} + \cdots + a_{2n}x_n) \\ \dots \\ a_{k1}x_1 + a_{k2}x_2 + \cdots + a_{kr}x_r = b_k - (a_{kr+1}x_{r+1} + \cdots + a_{kn}x_n) \\ \dots \\ a_{r1}x_1 + a_{r2}x_2 + \cdots + a_{rr}x_r = b_m - (a_{rr+1}x_{r+1} + \cdots + a_{rn}x_n) \end{array} \right. \quad (2)$$

Эркли ўзгарувчиларга ихтиёрий бир  $x_{r+1} = C_1, x_{r+2} = C_2, \dots, x_n = C_{n-p}$  қийматларни берамиз. У ҳолда (2)  $x_1, x_2, \dots, x_r$  асосий ўзгарувчиларга нисбатан  $r$  номаълумли  $r$  та чизиқли тенгламалар системасини ифодалайди. Бу системанинг асосий детерминантни  $M$  базис минордан иборат бўлиб, нолдан фарқлидир. У ҳолда (2) система ягона ечимга эга бўлиб, уни матрицалар ёки Крамер ёки Гаусс усулида топиш мумкин.

Ақлий фаолиятдаги асосий жараён фикрлаш жараёни бўлиб, фикрлашнинг сифати унинг мантиқийлиги, мустақиллиги, ижодийлиги, илмийлиги, асосилиги, узвийлиги, тежамлилиги, мақсадлилиги, тезлиги, таҳлилийлиги, қиёсийлиги, умумлаштирилганлиги, хусусийлаштирилганлиги, кенглиги, чукурлиги, ишонарлилиги, реаллиги, ҳаққонийлиги даражаси билан белгиланади. Шу билан бирга интеллектуал сифатлар хотира, тасаввур, англаш ва шу каби психологик жараёнларнинг тезлиги ҳамда бошқа параметрлари билан бөглиқ. Интеллектуал тараққиёт даражаси ўқитувчиларда ҳамда талабаларда қанча юқори бўлса, шунчалик яхши натижаларга эришиш имконияти ҳосил бўлади. Шунга кўра талабаларда муаммони сезиш, уни аниқлаш, ечимига доир тахминни тўғри белгилаш ва ечимнинг тўғрилигини текшириш қобилияtlари ривожланиб боради.

Муаммоли таълим технологияси талабаларга предметнинг мавзусидан келиб чиқкан турли муаммоли масала ёки вазиятларнинг ечимини тўғри топишларига ўргатиш, уларда муаммони ечишнинг баъзи усувлари билан таништириш ва муаммони ечишга мос услубларни тўғри танлашга ўргатиш муаммонинг келиб чиқиш сабабларини ва муаммони ечишдаги хатти-ҳаракатларни тўғри аниқлашга ўргатишdir [7].

Инновацион технологиялар педагогик жараёнга ҳамда ўқитувчи ва талабалар фаолиятига янгилик, ўзгартиришлар киритиш бўлиб, уни амалга оширишда асосан фаол ёки интерфаол методлардан фойдаланилади. Айнан шундай методлардан бири **«Зинама-зина» методидир**. Ушбу машғулот талабаларни ўтилган ёки ўтилиши керак бўлган мавзу бўйича якка ва кичик жамоага бўлиб, фикрлаш ҳамда хотирлаш, ўзлаштирилган билимларни ёдга тушириб, тўпланган фикрларни умумлаштириш ва

уларни ёзма, расм, чизма, кўринишида ифодалай олишга ўргатади. Бу метод талабалар билан бир гурух ичида якка ҳолда ёки гурухларга ажратилган ҳолда ёзма равишда ўтказилади ва тақдимот қилинади. Ушбу методнинг мақсади талабаларни эркин, мустақил ва мантикий фикрлашга жамоа бўлиб ишлашга, изланишга, фикрларни жамлаб, улардан назарий ва амалий тушунча ҳосил қилишга, жамоага ўз фикри билан таъсир эта олишга ва уни маъқуллашга шунингдек, мавзуни таянч тушунчаларига изоҳ беришда эгаллаган билимларини қўллай олишга ўргатиш. Ушбу методдан семинар, амалий ва лаборатория машғулотларида фойдаланиш мумкин. Бунинг учун машғулот жараёнида қуйидаги воситалар: А-3, А-4 форматли қоғозларни тайёрлаб (ажратилган кичик вазифалари сонига мос) чап томонига топшириқлар номи ёзилган тарқатма материаллар, фломастер кабилар қўлланилади.

Кўллаш технологияси:

- Ўқитувчи талабаларни мавзу қисмлар сонига қараб, 4-5 кишидан иборат кичик гурухларга ажратади (гурухларнинг сони 4 ёки 5 та бўлгани маъқул).
- Талабалар машғулотнинг мақсади ва уни ўтказиш тартиби билан таништирилади.
- Ҳар бир гурухга қоғознинг чап қисмига топшириқ номи кўрсатилган варақлар тарқатилади.
- Ўқитувчи гурух аъзоларини тарқатма материалда ёзилган топшириқлар билан таништиради ва шу вазифалар асосида фломастер ёрдамида қоғоздаги бўш жойга жамоа аъзолари биргаликда умумий фикрларни ёзиб чиқишилари кераклигини тушунтиради ҳамда вақт регламентини белгилайди.
- Кичик гурух аъзолари биргаликда тарқатма материалда кўрсатилган топшириқ бўйича фикрларни ёзма, расм ёки чизма кўринишида ифода этадилар. Унда гурух аъзолари имкони борича тўлароқ маълумот беришлари керак бўлади.
- Тарқатма материаллар тўлдирилгач, гурух аъзоларидан бир киши тақдимот қиласи, бу жараёнда гурухлар томонидан тайёрланган материал албатта, ўкув хонасидаги пинборд (пинванд) доскасига ёки синф доскасига мантиқан кетма-кетликда тагма-таг (зина шаклида) илинади ва кичик гурух вакили томонидан тақдимот қилинади.
- Ўқитувчи ва гурух талабалари тақдимотни тинглайди ва топшириқ бўйича савол-жавоб асосида муҳокама этадилар, гурухлар томонидан тайёрланган материалларни баҳолайди ва машғулотни якунлайди.

Ушбу методни қўллаш технологиясини «Чизиқли тенгламалар системаси» мавзуси мисолида кўриб ўтамиз. Айтайлик, гурухда 30 нафар талаба таҳсил олади ва топшириқларни тақсимлаш учун 5 нафар талабадан олтига кичкина гурухларга ажратамиз.

Топшириқлар:

- 1-гурух. Чизиқли тенгламалар системасини Гаусс усулида ечиш;
- 2-гурух. Чизиқли тенгламалар системасини Матрицавий усулда ечиш;
- 3-гурух. Чизиқли тенгламалар системасини Крамер усулида ечиш.

Кичик гурух аъзолари биргаликда тарқатма материалда кўрсатилган топшириқ бўйича фикрларни ёзма, расм ёки чизма кўринишида ифода этадилар. Бунда ажратилган топшириқларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш мақсадида барча гурухларга битта мисолни фақат ўzlари ўрганган усуллари ёрдамида ишлаш талаб қилинади.

Тарқатма материаллар тўлдирилади, гурух аъзоларидан бир киши тақдимот қиласи. Тақдимот вақтида бошқа гурух талабалари ҳам янги усулларни ўрганишади. Қуйида тақдимотлар намунаси келтирилган:

1-гурух. Чизиқли тенгламалар системасини Гаусс усулида ечиш:

$$\begin{cases} 2x_1 - 3x_2 + 4x_3 = 20 \\ 3x_1 + 4x_2 - 2x_3 = -11 \\ 4x_1 + 2x_2 + 3x_3 = 9 \end{cases}$$

Ечиш: Бу системадан номаълумларни бирин-кетин йўқотамиз.

1-қадам. Системанинг иккинчи ва учинчи тенгламалардан  $x_1$  номаълумни йўқотамиз. Каср сонларга келмаслик ва бу орқали хисоблашларни соддалаштириш мақсадида буни қўйидагича амалга оширамиз. Дастреб 1-тенгламани иккала томонини  $-3$  сонига, 2-тенгламани эса 2 сонига кўпайтириб, уларни ўзаро қўшамиз. Сўнгра 1-тенгламани иккала томонини  $-2$  сонига кўпайтириб, ҳосил бўлган тенгламани 3-тенгламага қўшамиз. Натижада қўйидаги эквивалент системага келамиз:

$$\begin{cases} 2x_1 - 3x_2 + 4x_3 = 20 \\ 17x_2 - 16x_3 = -82 \\ 8x_2 - 5x_3 = -31 \end{cases}$$

2-қадам. Олдинги қадамда ҳосил қилинган системанинг 2-тенгламасини  $-8$  сонига, 3-тенгламасини 17 сонига кўпайтириб ўзаро қўшамиз:

$$\begin{cases} 2x_1 - 3x_2 + 4x_3 = 20 \\ 17x_2 - 16x_3 = -82 \\ 43x_3 = 129 \end{cases}$$

Дастреб бу учбуручакли системанинг 3- тенгламасидан  $x_3=3$  эканлигини топамиз.

Сўнгра бу натижани системанинг 2- тенгламасига қўйиб, ундан  $x_2 = -2$  эканлигини аниқлаймиз. Якуний қадамда  $x_2 = -2$  ва  $x_3 = 3$  натижаларни системанинг 1-тенгламасига қўйиб, ундан  $x_1 = 1$  эканлигини топамиз. Демак берилган системанинг ягона ечими  $x_1 = 1$ ,  $x_2 = -2$  ва  $x_3 = 3$  экан.

2-гурух. Чизиқли тенгламалар системасини Матрицавий усулда ечиш:

$$\begin{cases} 2x_1 - 3x_2 + 4x_3 = 20 \\ 3x_1 + 4x_2 - 2x_3 = -11 \\ 4x_1 + 2x_2 + 3x_3 = 9 \end{cases}$$

**Ечиш:** Дастреб системанинг А матрицасини ёзиб, унинг детерминантини хисоблаймиз:

$$A = \begin{pmatrix} 2 & -3 & 4 \\ 3 & 4 & -2 \\ 4 & 2 & 3 \end{pmatrix}, \quad \Delta = |A| = \begin{vmatrix} 2 & -3 & 4 \\ 3 & 4 & -2 \\ 4 & 2 & 3 \end{vmatrix} = 43 \neq 0.$$

Демак А матрица махсусмас, унга тескари матрица мавжуд ва уни қўйидаги формулага асосан топамиз:

$$A^{-1} = \frac{1}{|A|} \begin{pmatrix} A_{11} & A_{21} & A_{31} \\ A_{12} & A_{22} & A_{32} \\ A_{13} & A_{23} & A_{33} \end{pmatrix} = \frac{1}{43} \begin{pmatrix} 16 & 17 & -10 \\ -17 & -10 & 16 \\ 10 & -16 & 17 \end{pmatrix}.$$

Энди  $AX = B \Rightarrow A^{-1}AX = A^{-1}B \Rightarrow EX = A^{-1}B \Rightarrow X = A^{-1}B$  формула бўйича номаълумлардан тузилган X устун матрицани аниқлаймиз:

$$X = \begin{pmatrix} x_1 \\ x_2 \\ x_3 \end{pmatrix} = A^{-1}B = \frac{1}{43} \begin{pmatrix} 16 & 17 & -10 \\ -17 & -10 & 16 \\ 10 & -16 & 17 \end{pmatrix} \begin{pmatrix} 20 \\ -11 \\ 9 \end{pmatrix} = \frac{1}{43} \begin{pmatrix} 43 \\ -86 \\ 129 \end{pmatrix} = \begin{pmatrix} 1 \\ -2 \\ 3 \end{pmatrix}.$$

Демак, системанинг ягона ечими  $x_1 = 1$ ,  $x_2 = -2$ ,  $x_3 = 3$  бўлади.

3-гурх. Чизиқли тенгламалар системасини Крамер усулида ечиш:

$n=3$  бўлганда чизиқли тенгламалар системаси

$$\begin{cases} a_{11}x_1 + a_{12}x_2 + a_{13}x_3 = b_1 \\ a_{21}x_1 + a_{22}x_2 + a_{23}x_3 = b_2 \\ a_{31}x_1 + a_{32}x_2 + a_{33}x_3 = b_3 \end{cases}$$

асосий ва ёрдамчи детерминантлари

$$\Delta = \begin{vmatrix} a_{11} & a_{12} & a_{13} \\ a_{21} & a_{22} & a_{23} \\ a_{31} & a_{32} & a_{33} \end{vmatrix}, \quad \Delta_1 = \begin{vmatrix} b_1 & a_{12} & a_{13} \\ b_2 & a_{22} & a_{23} \\ b_3 & a_{32} & a_{33} \end{vmatrix},$$

$$\Delta_2 = \begin{vmatrix} a_{11} & b_1 & a_{13} \\ a_{21} & b_2 & a_{23} \\ a_{31} & b_3 & a_{33} \end{vmatrix}, \quad \Delta_3 = \begin{vmatrix} a_{11} & a_{12} & b_1 \\ a_{21} & a_{22} & b_2 \\ a_{31} & a_{32} & b_3 \end{vmatrix}$$

ва Крамер формуулалари

$$x_1 = \frac{\Delta_1}{\Delta}, \quad x_2 = \frac{\Delta_2}{\Delta}, \quad x_3 = \frac{\Delta_3}{\Delta}$$

кўринишда бўлади.

### Мисол:

$$\begin{cases} 2x_1 - 3x_2 + 4x_3 = 20 \\ 3x_1 + 4x_2 - 2x_3 = -11 \\ 4x_1 + 2x_2 + 3x_3 = 9 \end{cases}$$

**Ечиш:** Асосий ва ёрдамчи детерминантларни ҳосил қиласиз ва ҳисоблаймиз:

$$\Delta = \begin{vmatrix} 2 & -3 & 4 \\ 3 & 4 & -2 \\ 4 & 2 & 3 \end{vmatrix} = 43, \quad \Delta_1 = \begin{vmatrix} 20 & -3 & 4 \\ -11 & 4 & -2 \\ 9 & 2 & 3 \end{vmatrix} = 43,$$

$$\Delta_2 = \begin{vmatrix} 2 & 20 & 4 \\ 3 & -11 & -2 \\ 4 & 9 & 3 \end{vmatrix} = -86, \quad \Delta_3 = \begin{vmatrix} 2 & -3 & 20 \\ 3 & 4 & -11 \\ 4 & 2 & 9 \end{vmatrix} = 129.$$

Крамер формуулаларига асосан система ечимини топамиз:

$$x_1 = \frac{\Delta_1}{\Delta} = \frac{43}{43} = 1, \quad x_2 = \frac{\Delta_2}{\Delta} = \frac{-86}{43} = -2, \quad x_3 = \frac{\Delta_3}{\Delta} = \frac{129}{43} = 3.$$

Олий таълим тизимида талабларга дарс ўтиш амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, уларга ўтилган мавзуларнинг илмий ишларга қўлланилганлиги кўрсатилса (журналда чоп қилинган ҳолатида), талабаларда фанга нисбатан қизиқишилари фаоллашганлиги кузатилган. Бунда талабаларнинг илмий ишларни тушунишдан кўра, ундан фойдаланилганлигини кўриш аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда. Шу сабабли келгусида «чизиқли тенгламалар системаси» дан кенг фойдаланилган бир қатор илмий ишларни [8-11] ўқувчи ва талабаларга намойиш қилиш мақсаддага мувофиқ ҳисобланади. Шу ўринда айтиш жоизки, «чизиқли тенгламалар системаси» мавзусини ўқитишида муаммоли таълим технологияси ва «зинама-зина» методини қўллашга доир батафсил маълумотларни [12] [www.buxdu.uz](http://www.buxdu.uz) сайтининг <https://uniwork.buxdu.uz> платформасидан ҳам топиш мумкин.

## ХУЛОСА

Шуни таъкидлаш жоизки, дарс жараёнида зинама-зина методини қўллаш орқали талабаларда шахслараро муомала малакасини шакллантиришга; ёзма ва оғзаки нутқни ривожланишига; дарс жараёнида талабаларни фаоллашишига; талабаларда мотивация (қизиқиши)ни оширишга ҳамда назарий билимларни амалиётда қўллай олишга ўргатади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР (REFERENCES)

1. Алихонов С. Математика ўқитиш методикаси. Дарслик. Чўлпон, Тошкент 2011.
2. Д.Юнусова. Олий таълимда математика фанларини ўқитиш методикаси. Ўқув – услубий мажмуа.
3. Марданова Ф.Я. Использование научного наследия великих предков на уроках математики. Проблемы педагогики. 51:6 (2020), С. 40-43.
4. Умарова У.У. Использование педагогических технологий в дистанционном обучении moodle. Проблемы педагогики 51:6 (2020), С. 31-34.
5. S.Hodjiev N.O.Juraeva. Methodical recommendations on solving text problems during the work, XII, 2021. Electronic journal of actual problems of modern science, education and training.-31-36.
6. Т.Н.Rasulov, A.Sh.Rashidov. The usage of foreign experience in effective organization of teaching activities in Mathematics. International journal of scientific & technology research. - India, 2020 - Vol 9. - №4. - P. 3068-3071.
7. М.Н. БОБОЕВА. ПРОБЛЕМНАЯ ОБРАЗОВАТЕЛЬНАЯ ТЕХНОЛОГИЯ В ИЗУЧЕНИИ СИСТЕМ ЛИНЕЙНЫХ УРАВНЕНИЙ С МНОГИМИ НЕИЗВЕСТНЫМИ. НАУКА, ТЕХНИКА И ОБРАЗОВАНИЕ. 72:8 (2020), С. 48-50.
8. Расулов Х.Р., Раупова М.Х. Роль математики в биологических науках // Проблемы педагогики, № 53:2 (2021), с. 7-10.
9. Расулов Х.Р., Раупова М.Х. Математические модели и законы в биологии // Scientific progress, 2:2 (2021), р.870-879.
10. Расулов Х.Р., Яшиева Ф.Ю. Икки жинсли популяциянинг динамикаси ҳақида // Scientific progress, 2:1 (2021), р.665-672.
11. Расулов Х.Р., Камариддинова Ш.Р. Об анализе некоторых невольтерровских динамических систем с непрерывным временем // Наука, техника и образование, 77:2-2 (2021) с.27-30.
12. Internet manba: [www.buxdu.uz](http://www.buxdu.uz).